

# Хизмат курсатиш шартномаси № 2

«31» март 2022 йил

Истиқлол МФЙ

“BIP YANGI TONG” МЧЖ (кейинги уринларда “Бажарувчи” деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият юритувчи директор Ш.Султонова ҳамда иккинчи томондан Пахтачи хокимлиги (кейинги уринларда “Буюртмачи” деб юритилади) номидан НИЗОМ асосида иш юритувчи раҳбар В.Ҳақимов ушбу шартномани куйидагича туздилар:

## 1. Шартнома предмети.

1. Ушбу шартнома буйича “Бажарувчи” “Буюртмачи”нинг буюртмасига асосан хизмат курсатади. “Буюртмачи” эса ушбу курсатиладиган хизматларни белгиланган тартибда қабул қилиб олади.

2. “Бажарувчи” “Буюртмачи” учун:

(Бажариладиган ишнинг хизматнинг номи, тури алоҳида белгилари)

Т/р	Бажариладиган иш номи	Улчов бирлиги	Ҳажми (микдори)	Нархи	Умумий суммаси
1	Автомобилларга техник хизмат курсатиш	Сум	1	37 300 000	37 300 000
	Жами	Х	Х	Х	37 300 000

Уттиз етти миллион уч юз минг сўм

## 2. Тарафларнинг мажбуриятлари.

“Бажарувчи”нинг мажбуриятлари:

2.1 Бажарилган иш, курсатилган хизматларни ушбу шартнома шартлари асосида “Буюртмачи”га сифатли ва уз вақтида топшириш.

2.2 “Буюртмачи” ишни 3 иш кунни мобайнида қўздан кечиритиш. Курсатилган хизматнинг мазкур шартнома талабларига мос келмаслиги аёнланган тақдирда “Бажарувчи”га номувофикликлар ҳақида хабарнома юборади.

2.2 Шартномада белгиланган баҳода иш ҳақини тулайди.

## 3. ШАРТНОМА СУММА СИ ВА ХИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ.

3.1 Мазкур шартнома суммаси 37 300 000 (Уттиз етти миллион уч юз минг) сумни ташкил этади.

3.2 Мазкур шартнома буйича ҳисоб-китоблар пулни қўчириш йўли билан олдиндан 15% тулаш, қолган 85% қисмини маҳсулотни қабул қилинган кундан бошлаб 30 кун давомида тулаш йўли билан амалга оширилади.

## 4. ИШНИ ТОПШИРИШ ТАРТИБИ.

Иш бажарилгандан сунг “Бажарувчи” ва “Буюртмачи” топшириш қабул қилиш далолатномаси тузиб имзолайди ва муҳр билан тасдиқланади.

Ишни топширишдан бошлаб келишилган муддатга қадар “Бажарувчи” сифатига қафолат беради ва алмаштиришни уз зиммаси олади.

Ушбу шартнома шартларига мувофиқ иш бажарилган жойида топширилади.

## 5. ШАРТНОМАНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ.

Шартнома тарафлар томонидан имзоланиб руйхатдан утказилган эътиборан кучга қиради. Шартномани бажариш муддатлари 2022 йил “31” мартдан бошлаб 2022 йил 31 декабр кунигача амал қилади.

## 6. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1 Ишни муддати бузилганлик учун айбдор тараф иккинчи тарафга етказилган зарарни тулик тулайди ва 0, 5% миқдорда жарима тулайди.

6.2 Туловни кечиктирганлиги учун "Буюртмачи" "Бажарувчи"га ҳар бир кечиктирилган кун учун 0,5% миқдорда лекин ушбу шартнома суммасининг 50 % дан ошмаган миқдорда товон(пеня) тулайди.

6.3 Неустойкани тулаш тарафларни шартнома буйича уз мажбуриятларини бажаришда озод қилмайди.

6.4 Мазкур шартномада назарда тутилган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

## 7. НИЗОЛАРНИ ХАЛ КИЛИШ

7.1 Ушбу шартнома юзасидан тарафлар уртасида келиб чиқадиган низо ва зиддиятлар тарафлар уртасида музокаралар олиб бориш йули билан хал этилади.

7.2 Музокаралар олиб бориш йули билан низо хал этиш имконияти бўлмаган тақдирда низо талабнома билдириш тартибига риоя қилинганидан кейин иктисодий судга куриб чиқиш учун топширилади.

## 8. ФОРС МАЖОР ВА ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ЭТИШ

8.1 Томонларнинг хошиш истагига мутлақо боғлиқ бўлмаган ҳолларда (нокулай об ҳаво шароитлари, зилзила, сув тшқинлари, табиий офатлар) туфайли бажарилмаган ёки қисман бажарилмаганлиги, шартнома шартларини ижро этиш бузилган деб ҳисобланмайди ва ушбу ҳолатда томонларни шартномани бажариш муддати келишилган муддатга кечиктирилади.

## 9. БОШКА ШАРТЛАР

9.1 Тарафлар узларининг юридик манзили ва бошқа реквизитлари узгарган тақдирда 3 кун ичида хабардор қиладилар.

9.2 Шартномага ҳар қандай узгартириш ва қушимчалар киритиш ёзма равишда бажарилган ва тарафларнинг ваколатли шахслари томондан имзоланган ҳолдагина ҳақиқийдир.

9.3 Шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, иккаласи ҳам бир хил юридик қучга эга ҳисобланади ва тарафларга бир нусхадан берилади.

## ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗЕТЛАРИ

“БАЖАРУВЧИ”

“БУЮРТМАЧИ”

“VIP YANGI TONG” МЧЖ	Пахтачи туман ҳокимлиги
Самарқанд вилояти Пахтачи тумани Истиклол МФЙ	Пахтачи туман Истиклол кучаси 58 уй
Банк: Микрокредитбанк Зиёвуддин филиали	Банк: Марказий банк МФО 00014
Х/р 20208000405469143001 МФО 00298	х/р 100022860182307011204018002
СТИР 309108656 ОКОНХ	ИНН 200770232
Тел: +998-94-377 21 01	
Директор: Ш. Султонова	В. Ҳақимов

